

Ғийбат

15:15 / 28.04.2017 2628

Ҳофиз ибн Касир "Ал-бидоя ван-ниҳоя"да ушбу ривоятни келтирган: "Басра қозиси Иёз ибн Муовия ал-Музанийнинг ақл-заковати одамлар орасида зарбулмасал бўлиб кетган эди. Суфён ибн Ҳусайн ал-Воситий бир куни қози ҳузурига бир мусулмон биродари ҳақида шикоят қилиб келди. Қози унга бир нафас синчиклаб тикилиб қолди. Кейин Воситийдан сўради: "Сен Рум фатҳида қатнашганмидинг?" "Йўқ", деб жавоб қилди Воситий. "Синд фатҳида қатнашганмидинг?" Яна "йўқ" жавоби бўлди. "Ҳинд юришида иштирокинг борми?". "Йўқ!" деган жавоб бўлди. "Турк фатҳида-чи?". Воситий унда ҳам қатнашмаганини айтди. Шунда қози таассуф билан: "Шунча юртдаги мушриклар сендан омонда бўлибдию бир мусулмон биродаринг сенинг шикоятингдан омонда бўлолмабди-да?!"

Атоқли муҳаддис, фақиҳ, обид ва зоҳид Имом Ибн Ваҳб айтади: "Ғийбат балосидан қутулиш учун агар бирор кишини ғийбат қилсам бир кун рўза тутиб бераман, деб қарор қилдим. Бора-бора бу ҳам осон кўринди, иллатни батамом тарк эта олмадим. Шунда кимни ғийбат қилсам бир динор садақа қилишга киришдим ва шу йўл билан ғийбатдан батамом қутулдим".

"Аллоҳдан қўрққан ғазабини сочмайди, хоҳлаб турган ишини қилмайди", деганлар Умар ибн Хаттоб.

Салафлар айтишича, инсон ҳаёти давомида қуйидаги саккиз ҳолатни албатта бошдан кечиради: хурсандчилик ва хафалик, тўпланиш ва тарқаб кетиш, машаққат ва енгиллик, касаллик ва офият.

Имом Мусоҳибий: "Неъматлар бир меҳмон, уларни иззат-икром қилиш шуқр билан бўлади. Балолар ҳам бир меҳмон, уларни иззат-икром қилиш эса сабр билан бўлади".

"Сабр иймоннинг бошидир". Агар инсон танаси бошидан жудо қилинса, у ҳалок бўлгани каби сабр бўлмаса, иймон ҳам ҳалокатга юз тутгусидир.

Абдулқодир Жийлоний айтган: "Эй ўғлим, мусибат-бало сени ҳалок қилиш учун келмайди, сабрингни синаш учун келади". Олтин ўтга кирса, сайқалланиб янада чирой очгани каби инсон ҳам мусибат олови орқали

сайқалланади.

Тарбия ҳиссий туйғуларни ақл ёрдамида жиловлашдир. Аммо ҳиссиёт бўлмаса, ақл ҳам ҳаракатсиз қолади. Бу гўёки, ақл бир машина кабидир, ҳиссиётлар унинг моторидир, агар ҳиссиётлар уни юрғизмаса, машина жойидан жидмайди.

Аҳмад Муҳаммад